

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
“Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш
муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида
коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда
жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари
тўғрисида”ги Фармони мазмун-моҳияти**

Жорий йилнинг 6 июлиди “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ– сон Президент Фармони қабул қилинди.

Фармонга мувофиқ, **“Коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларнинг очиқ электрон реестри”** юритилади.

Реестрга киритилган шахсларга **қуйидагилар тақиқланади:**

давлат хизматига қабул қилиниши ва давлат мукофотлари билан тақдирланиши;

сайланадиган ва алоҳида тартибда тайинланадиган лавозимларга **номзодларининг кўрсатилиши;**

давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари ҳамда **идоралараро коллегиял органларнинг аъзолигига киритилиши;**

уларнинг тадбиркорлиги **давлат харидларида ва давлат-хусусий шериклик битимида** иштирокчи (ижрочи) сифатида қатнашиши;

давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган ташкилотлар ҳамда давлат таълим муассасаларида **раҳбарлик лавозимларида фаолият юритиши.**

2022 йил 1 январдан давлат хизматчилари, давлат улуши **50 фоиздан** юқори ташкилотлар, давлат корхоналари ва муассасалари раҳбарлари ва ўринбосарлари, уларнинг турмуш ўртоғи ва вояга етмаган фарзандларининг даромадлари ва мол-мулкани **мажбурий декларация қилиш тизими** жорий этилади.

Декларацияни беришдан **бош тортиш** ва **қасддан нотўғри маълумотларни киритиш** уни **давлат хизматидан четлаштиришга ва жавобгарликка сабаб бўлади.**

2022 йил 1 январдан давлат хизматчиларига хорижда банк ҳисобрақамларини очиш, нақд пул маблағларини сақлаш ва бошқа мол-мулкка эга бўлиш **тақиқланади.**

Мансабдорнинг ўз шахсий манфаати мажбуриятларини объектив ва холис бажаришига таъсир кўрсатувчи ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган вазиятлар **манфаатлар тўқнашуви** ҳисобланади.

Манфаатлар тўқнашувини ошкор қилиш ва олдини олиш бўйича чора кўрмаганлик жавобгарликни келтириб чиқаради.

Қуйидагиларни назарда тутувчи қонун лойиҳалари ишлаб чиқилади:

Жиноят кодексида **коррупцияга оид жиноятлар** тоифасига кирувчи моддаларнинг **аниқ рўйхатини белгилаш;**

Коррупциявий жиноятларга жазони узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазо чорасигача **кескин кучайтириш;**

даромадлар ва мол-мулкни декларациялашда аниқланган **ноқонуний бойлик** орттирганлик учун **жавобгарлик ўрнатиш;**

коррупциявий жиноятлар содир этганларга енгиллаштирувчи нормалар қўлланилишига **чекловлар белгилаш;**

“Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш тўғрисида”ги;

“Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни декларация қилиш тўғрисида”ги.